O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 18 ноябрь ШАНБА

№ 93 (11.896)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

*18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун*

## ҲУРЛИК ВА ЭЗГУЛИК БАЙРОҒИ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганига ўн беш йил тўлди.**



Байроқ азалдан ҳар бир халқ учун мустақиллик, озодлик, тинчлик ва барқарорлик тимсоли бўлиб келган. Хусусан, буюк аждодларимиз ҳам юрт байроғини муқаддас билиб, уни ардоқлаганлар, кўз қорачиғидек асраганлар. Бунга юртни босқинчилар оёқ ости қилмаслиги учун майдонга тушган етмиш беш ёшли мўйсафид Нажмиддин Кубронинг ҳурлик яловини чангалида маҳкам тутганча шаҳид бўлгани ҳам мисол бўла олади. Соҳибқирон Амир Темур салтанатида ҳам байроқ давлат ва миллатнинг ғурури ҳисобланган. Уч ҳалқа тасвири туширилган мовий рангли давлат туғи Соҳибқирон қўшинидаги энг ишончли баҳодирлар, саркардалар томонидан қўриқланган. Ғанимларга қарши жангу жадалларда юксак мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган амиру сипоҳийларга ҳам махсус туғ ва ноғора ҳадя қилинган.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрида Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги қонунга имзо чекди. Унда таъкидланганидек, миллий байроғимиз давлат суверенитетининг рамзларидан биридир.

У мамлакатимиздаги давлат идора ва муассасалари, ўқув юртлари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз бинолари пештоқида улуғвор ҳилпираб турибди.

Президентимизнинг хорижий мамлакатларга ташрифлари давомида ўша юрт кўчаларини байроғимиз безайди.

Байроғимиз турли байрам тантаналарида, юртимиз делегациялари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини ёрқин акс эттиради. Хусусан, халқаро спорт беллашувларида ғолиб чиққан спортчиларимиз шарафига юрт байроғи баланд кўтарилган паллада юраклар ҳаяжонга тўлади, халқимизнинг салоҳияти, келажагимизга ишонч туйғулари мустаҳкамланади. Давлатимиз байроғидаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги ўзига хос, чуқур рамзий маънога эга. Ундаги мовий ранг мусаффо осмонимизни, куч-қудратимизни, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни акс эттиради. Оқ ранг азалдан поклик, беғуборлик, ботиний гўзалликни ифодалаб келган. Яшил ранг яшариш ва янгиланиш рамзи, шунинг баробарида она табиатимиз тимсолидир. Қизил чизиқлар эса, томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони – ҳаётий қудрат ва давомийлик нишонасидир.

Байроғимиздаги ҳилол ва ўн икки юлдуз ҳам ўзига хос мазмун-моҳият касб этади. Одатда кўкда янги ой кўринганда кексаларимиз ҳамиша дуога қўл очиб, эзгу ниятлар қиладилар, юртга тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тилайдилар. Кўҳна Шарқда қадимдан ўн икки рақами мукаммалликни, комилликни англатиб келган. Ўн икки ой, ўн икки бурж. Кўриниб турибдики, байроғимиздаги ўн икки юлдуз тасвири ҳам теран маънони англатади.

Давлатимиз байроғи – ўтмиш, бугун ва келажагимизнинг ёрқин тимсоли. Мусаффо осмон узра мағрур ҳилпираётган юрт байроғини кўрганда қалбларимиз беихтиёр тўлқинланади. Зеро, унда руҳиятимиз, ғурур ва ифтихоримиз, Ватанимиз ва халқимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатимиз, келажакка ишончимиз мужассамдир.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Қишлоқ мулкдорлари*

## ЗАМИНГА МЕҲР



*СУРАТДА: фермер Ғулом Холхўжаев.*
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

**Бугун мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида жадал бораётган изчил ислоҳотлар заминга меҳр қўйган ҳар бир деҳқон учун ерга чинакам эгалик қилиш ҳуқуқини берди.**

Ўртачирчиқлик оддий деҳқон Ғулом Холхўжаев ҳам ўз йўли ва омадини фермерликдан топган инсонлардан, десак муболаға бўлмайди. Собиқ «Ўртасарой» ширкат хўжалиги тарқатилиб, фермерликка ўтилгач, серғайрат Ғулом Холхўжаев ҳам эркин, мустақил заминдор бўлишни кўнглига тугиб, ариза берди. Бугун унинг тасарруфида салкам 20 гектар экин майдони бор.

У эришаётган самарадорлик фермер бўлиб янглишмагани, тўғри йўлдан бораётганидан далолат бериб турибди. Ғалла, пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятлари туманда илғорлар қаторида удаланди. Йил якунида кўрилажак даромад 10 миллион сўмнинг нари-берисида бўлиши кутилаяпти.

Шу кунларда фермер келгуси йил ҳосили учун муносиб замин қўяяпти. 4 гектар майдондаги буғдой майсалари ҳозир ўзини анча тутиб олди. Пахта экиладиган 13 гектар майдон обитобида, сифатли шудгорлаб қўйилди.

## СОҲА РИВОЖИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 23 март куни эълон қилинган "Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларда чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳадаги ислоҳотларни янада ривожлантириш, қишлоқ жойларидаги аҳоли турмуш даражасини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.**

Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Оҳангарон туманида айни пайтда 83 та фермер хўжалиги чорвачилик билан шуғулланади. Улар тасарруфида уч минг бошга яқин қорамол бор. Лекин чорванинг асосий қисми – ўн минг бошдан кўпроғи хонадонларда боқилмоқда.

Йил давомида қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ишларига ҳомийлар, саховатпеша фермер ва тадбиркорлар, хайрия ташкилотлари муносиб ҳисса қўшмоқда. Айни пайтга қадар улар томонидан 176 оилага қорамол тарқатилди. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолига қорамол сотиб олиш учун тўқсон миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди. Замонавий зооветеринария пункти фойдаланишга топширилди. Йил охиригача тумандаги Ғаллақудуқ ва Қорахтой қишлоқ фуқаролар йиғинларида иккита ана шундай пункт ишга туширилади.

Аҳоли ҳамда фермер хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш борасида етарлича шарт-шароит яратиб берилмоқда. Хусусан, Сусам қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Гўшсой", Оҳангарон шаҳар ва туман мол бозорлари қайта ишга туширилди.

Шахсий, ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига ўз вақтида омухта ем етказиб бериш мақсадида "Оҳангарондон" акциядорлик жамияти ихтисослашган савдо шохобчаси фаолиятини йўлга қўйди. Йил охиригача мазкур жамият томонидан Телов ҳамда Қорахтой маҳаллалари ҳудудида яна иккита шохобча ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Айни пайтгача аҳолига 128 тонна омухта ем, дағал ҳашак ва сомон сотилди. Шунингдек, туман марказида битта марказлашган қушхона ҳам иш бошлади.

Туман мол бозорида "Ким ошди" савдолари ташкил этилмоқда. Мазкур савдоларда бир юз эллик бошдан зиёд зотдор қорамол сотилди. Қорамол боқаётган олти юздан ортиқ фуқароларга меҳнат дафтарчаси очилди.

– Ушбу фармон менга ўхшаган кўплаб эҳтиёжманд кишиларнинг оғирини енгил қилмоқда, – дейди Увак маҳалласида яшовчи Дилором Аҳмедова. – Вояга етмаган фарзандларим бор. Қатнаб ишлашга имкониятим йўқ. Мамлакатимиз раҳбарининг фармони эълон қилинганидан кейин Халқ банкининг туман бўлимига мурожаат қилдим. У ердан етти юз минг сўм кредит олиб, бозордан сигир сотиб олдик.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МУСТАҚИЛЛИК ВА КОНСТИТУЦИЯ

**Юқоричирчиқ туманидаги Курилиш-иқтисод касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги муносабати билан «Мустақиллик ва Конституция ҳимояси – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир» мавзусида маънавий тадбир бўлиб ўтди.**

У Маънавий тарғибот маркази ва Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари, туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, маданият ва спорт ишлари бўлими, туман «Саломатлик маркази» ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда тумандаги қўрғон ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари, ўқув муассасалари директорлари ва уларнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосарлари, мактаб етакчилари, коллеж талабалари ҳамда юқори синф ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларга Бош Қомусимизнинг туб моҳияти ҳақида ҳаётий мисоллар воситасида тушунчалар беришди. Она-Ватан, мустақиллик, инсон маънавияти мавзусида ўқилган шеърлар ҳамда таниқли санъаткорлар ижросидаги қўшиқлар тадбирга янада файз бағишлади.

Қизиқарли ва мазмунли ўтган тадбир савол-жавоблар билан якунланди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

## КАСАНАЧИЛИК ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

**Янгийўл шаҳрида аҳолини иш билан таъминлаш, бўш иш ўринлари ташкил этиш масаласи Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимининг доимий диққат марказида.**

Айниқса, касаначилик ҳаракатига алоҳида эътибор қаратилиб, дастур асосида иш юритилаяпти. Ҳозир Янгийўл ёғ-мой корхонасида махсус ишчи кийимлари тикиш цехи очилиб, 31 киши касаначиликка жалб қилинди. «Кичкинтой» корхонасида болалар оёқ кийимлари, «Лаззат» қандолат ишлаб чиқариш корхонасида картон қутилари тайёрлаш йўлга қўйилди. «Биокимё», «Полиграф-сервис» корхоналарида ҳам касаначилик ҳаракати кенг қулоч ёймоқда.

Қисқа давр мобайнида 120 дан ортиқ шаҳар аҳолиси касаначиликка жалб қилиниб, иш билан таъминланди.

**Зуҳра ҲАЙДАРОВА.**

## ЮРТ ИСТИҚБОЛИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

**Олмалиқ шаҳридаги «Металлург» маданият саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев иштирок этди.**

Мустақил Ўзбекистонимиз кундан-кунга ривож топиб, жаҳонга юз тутмоқда. Жамият тараққиётида муносиб ўрни, нуфузи бўлган ёшларимиз эса камолот сари интилмоқда. Зеро, Ватан тақдири, келажаги ҳур фикрли, соғлом, бақувват ёшлар қўлида. Шунинг учун ҳам ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш масаласига катта эътибор қаратилаётир.

Маълумки, 2001 йил 25 апрель куни таъсис конференциясининг қарори билан ўз олдига ёшларни бирлаштириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялаш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақли, заковатини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб бериш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилган эди. Ўтган беш йил давомида «Камолот» Республика миқёсидаги йирик ташкилот сифатида шаклланиб, ўз атрофига миллионлаб соғлом фикрли ёшларни бирлаштирди ва уларнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳаракат тизимлари томонидан маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, ҳуқуқий-тарғибот, ҳарбий-ватанпарварлик, спорт-соғломлаштириш каби 20 дан ортиқ йўналишларда қизғин ишлар олиб борилаяпти. «Камолот» фаолиятининг биринчи кунидаёқ Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан қўллаб-қувватланиб, «Бу ташкилот ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин», дея тилак билдирилган эди.

Ана шу юксак ишончни шараф билан оқлаб келаётган Тошкент вилояти ёшлари ташкилоти ҳам беш йил давомида ўз иқтидори, салоҳияти, куч-ғайратини тўлақонли намоён эта олди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолияти кенг қамровда олиб борилди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни касбларга йўналтириш мақсадида бепул хизмат кўрсатадиган «Ёшлар ижтимоий хизмат маркази» ташкил этилгани ўз самарасини бермоқда. Шу кунга қадар вилоятнинг Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларида, Бўстонлиқ, Қибрай, Паркент, Тошкент туманларида ана шундай марказлар фаолият юритиб келмоқда. Улардаги компьютер ўқув клуби, ёшлар оммавий ахборот воситалари клуби, «Етакчи ва сардор» ёшлар клуби, «ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш» клуби, «Иқтидорли ёшлар» клуби, «Ёш оила» маркази, Ёшлар тадбиркорлиги маркази ва бошқа турли тўгаракларда ёшлар қизиқиш билан шуғулланмоқдалар.

Конференцияда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими фаолияти ҳақида ҳисобот тингланди ҳамда келажакда амалга оширилиши лозим бўлган навбатдаги вазифалар белгиланиб, ташкилотнинг Низоми ва Дастурига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Анжуманда сўзга чиққан ёшлар ҳисобот юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ташкилот ишига ижобий баҳо беришди. Шунингдек, бундан буён кўпроқ эътибор берилиши лозим бўлган жиҳатларга ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, Бўстонлиқ туман ёшларининг етакчиси Азизхўжа Каттахўжаев ўз сўзида шундай деди:

— Ҳаракат фаолиятини янада такомиллаштириш керак. Тадбирбозлик ўрнига кимгадир амалий ёрдам беришимиз, яъни ёшлар ҳаётига чуқурроқ кириб боришимиз лозим. Қуруқ гап ўрнига амалий ишларга киришиб, қуйи ташкилотлар етакчилари фаолиятини кучайтиришга эътиборни кўпроқ қаратайлик.

Ҳақиқатан ҳам, ёшларга лозим бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилган тақдирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастур ва Низоми талаблари тўлақонли бажарилади. Ёшлар ҳаётини ҳар томонлама сермазмун ва сермаҳсул бўлишида жавобгарлик масъулиятини ҳис этадиган жонкуяр, фидойи мутахассислар зарурлигини ҳам таъкидлаш керак.

Конференцияда, шунингдек «Камолот» вилоят бўлимининг раҳбар органлари ва назорат-тафтиш комиссиясини сайлаш, «Камолот»нинг навбатдаги республика қурултойига вилоятимиздан делегатлар сайлаш масалалари ҳам кўрилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят кенгашининг раиси вазифасига илгари Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман кенгашининг раиси бўлиб ишлаб келган Шуҳрат Қўчқоров сайланди.

**Сайёра РИҲСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*Обуна – 2007*

## ИШ КУНИМИЗ МУТОЛААДАН БОШЛАНАДИ

**Бўлимимиз ходимларининг неча йиллардан бери ўрганиб қолган бир одатлари бор. Ҳар тонг ишга келишлари билан ўша кунги даврий нашрларни варақлашга тутинишади. Айниқса, чоршанба ва шанба кунларини интизорлик билан кутамиз. Чунки шу кунлари биз учун севимли бўлган «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари қўлимизга етиб келади.**

Каминада ҳам кунни газета ўқиш билан бошлайдиган одат йўқ эмас. Шу боисми, баъзи сабаблар билан газета иш столимда бўлмаса, бир нарсамни йўқотгандек ҳис қиламан ўзимни. Тўғри-да, маънавият ва маърифат ишини бир дақиқа бўлса-да, газета-журналларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ярим ёки бир соат кейин тамадди қилса бўлади, лекин ҳаётимизда содир бўлаётган янгиликдан бир соатдан сўнг хабардор бўлиш йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол, деб ўйлайман. Чунки соҳамиз шуни талаб этади. Маданият ва спорт ишини ривожлантирамиз деб елиб-югурсакда, газета ўқишда ҳаммадан орқада қолсак ярашмайди-да албатта.

Ана шуни инобатга олиб, бу йилги обуна кампаниясида ҳар қачонгидан ҳам фаолроқ қатнашишга ҳаракат қилаяпмиз. Одатда, уч-тўртта «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда»га обуна бўлардик. Ҳозир эса ўндан зиёд ходимимиз ҳар икки газетага обуна бўлишга улгуришди. Мавсум сўнгига қадар обунани янада ошириш режамиз йўқ эмас.

**Қутбиддин ТЎҚСОНОВ,**
**Паркент тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ЁНҒИННИНГ САБАБИ – ЭЪТИБОРСИЗЛИК

**Ёнғин содир бўлганда уни қандай бартараф этиш мумкин? Офатнинг олдини олишда нималарга эътибор бермоқ лозим?**

Ана шу саволлар теграсидаги фикр-мулоҳазалар Янгийўл шаҳри ва тумани лицейларида таълим олаётган ўқувчилар ҳамда мутахассислар иштирокидаги учрашувда ўртага ташланди. Шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими раҳбарлари ёшларнинг озгина эътиборсизлик қилишлари ҳамда енгил ўйлашлари катта фожиаларга олиб келишини уқтирдилар.

Ёнғин хавфсизлиги тарғиботига бағишланган бундай суҳбатлар ташкилот, корхона, муассаса, хўжалик ва маҳаллаларда ҳам ўтказилмоқда.

**Азиза АБДУЛЛАЕВА.**

### МАҲАЛЛАДА ШИФО МАСКАНИ

**Ўртачирчиқ тумани Ўртасарой қишлоғида ички аъзолар, тери ва юқумли касалликлар шифокори хонаси иш бошлади.**

48 йиллик тажрибага эга шифокор Йўлдош Мансуров ташаббуси ва ҳомийлар кўмагида фойдаланишга топширилган ушбу шифо масканида тиш касалликларини даволаш хонасини ҳам очиш режалаштирилмоқда.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

### РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

**Чирчиқ шаҳрида спортнинг енгил атлетика тури бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида республика чемпионати ўтказилди.**

Олмалиқлик Марат Ҳайдаров 100, 400 метрга тўсиқлар оша югуриш ҳамда швед эстафетаси баҳсларида мутлоқ ғолибликни қўлга киритди.

**Мавлон ИКРОМОВ.**

### ГУРУҲЛАРГА БЎЛИНИБ

**«Металлург» спорт клубига қарашли сузиш ҳавзасида соғломлаштириш гуруҳи иш бошлади.**

Эндиликда комбинатнинг барча ходимлари машғулотларда қатнашиш имкониятига эга бўлдилар.

**Мўмин ИБОДОВ.**

Зангиота туманида янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналар қувватини ошириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобидан аҳоли зич яшайдиган Бўзсув, Эркин, Назарбек, Чиғатой Оқтепаси қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида бир ярим мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди.

## ҚУЛАЙ ВА ФОЙДАЛИ МЕҲНАТ ШАКЛИ

Биргина Эркин қишлоқ фуқаролар йиғинида "Унсал" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишга туширилиши натижасида 60 киши иш билан таъминланди. Бўзсув қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Ахмар-трейдинг" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини кенгайтириш орқали 120 та қўшимча иш ўрни очилди.

Тумандаги "Махсус кийим сервис" очиқ акциядорлик жамиятига ўн нафар хотин-қиз касаначилик асосида ишга олинди. Улар корхона ишчиларига махсус кийим-бош, теримчилар учун этак, турли ишларга мўлжалланган қўлқоп ва бошқа маҳсулотлар тайёрламоқда.

**ЎзА.**

*Изланиш, самара*

# КАСБ ЎРГАНГАН АСЛО КАМ БЎЛМАС

**Янгийўл шаҳридаги «Раъно стиль-дизайн» ўқув маркази беш йиллик фаолияти мобайнида кўплаб қизларни ҳунарли бўлишига ҳисса қўшиб келмоқда.**

Марказни очиш ҳамда унинг фаолиятини йўлга қўйиш Раъно Бобоевага кўп ҳам қийинчилик туғдирмади. Кўп йиллик меҳнати давомида орттирган тажрибаси, дунёқарашининг кенглиги, тиниб-тинчимаслиги, замон билан ҳамнафаслиги ҳамда уддабуронлиги унга анча асқотди.

— Қиз бола бугун ота-онасининг бағрида ўйнаб-кулиб юрган бўлса, кўз очиб-юмгунча бир оиланинг бекасига айланади, — дейди Раъно опа мулоҳаза оҳангида. — Бекалик эса ўз-ўзидан бўлмайди. У ҳам бир санъат ҳисобланади. Марказимизда қизларимизга бир ёки икки касбни ўргатиш билан чекланиб қолмай, уларни ҳақиқий бекалар қилиб тайёрлашга ҳаракат қилаяпмиз.

Ўқув марказида 5 йил давомида 500 нафардан зиёд хотин-қиз ўзлари истаган касбни эгаллашга муваффақ бўлишди. Бу ерда малакали ва маҳоратли ўқитувчи-мураббийларнинг жалб этилишига катта эътибор қаратилган. Улар ёрдамида турли пишириқ, ширинликлар тайёрлаш, даволовчи массаж ва уй ҳамширалиги асослари, чеварлик, каштачилик, замонавий пардалар тикиш, дизайнерлик иши ҳамда сартарошлик ҳунарларининг сир-асрорлари ўргатилмоқда.

Билишимизча, марказ жамоаси ўз мураббийлари билан фахрланар экан. Чунки улар ҳунар ўргатиш билан бир қаторда турмушда учрайдиган турли муаммоларни тўғри ҳал этишда қўл келадиган йўл-йўриқлар масаласида ҳам маслаҳатларини аяшмайди.

— Бу қизлар мен учун қадрдон бўлиб қолишган, — дейди чеварлар устози Тамара Мусаева. — Курслар муддати аллақачон якунланган бўлишига қарамай, улар бу ерга келиб туришни канда қилишмайди. Билмаган ҳамда тушунмаганларини сўраб кетишади. Ёшларнинг ўзига яраша ишлари кўп-да. Кимнингдир оиласида барча нарса тўла-тўкис бўлса, бошқа кимнидир мушкул ҳолатлар қийнайди. Улар билан дилдан суҳбат қурасан, муаммони муҳокама этасан ва охир-оқибат, албатта, ечимини топасан.

Янгийўллик ёшлар орасида ўқув марказининг шуҳрати тобора ошиб бораяпти. Бунга сабаб бор албатта. Чунки тадбиркор Раъно Бобоева ўйланяпти, изланяпти, олдинга интиляпти. Унинг режасига кўра, шу йилнинг охирига қадар яна қўшимча математика, компьютер саводхонлиги, инглиз ҳамда ўзбек тили курслари ташкил этилиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, «Раъно стиль-дизайн» қошида катта бўлмаган тикувчилик цехи ҳам ишлаб турибди. Бу ерда исталган буюртма сифатли ва тез муддатда бажариб берилади. Масалан, 10-умумтаълим мактаби учун 300 донадан ортиқ мактаб кийими жамланмалари тикиб берилганлигига кўп бўлгани йўқ.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўқув марказида барча ишларни фақат аъло баҳоларга бажаришга одатланилган.

**Нодира ВАҲОБОВА.**



**СУРАТДА:** *Тамара Мусаева машғулот ўтаётган чоғда барча қизлар уни диққат билан тинглашади.*

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

*Маънавият ҳақида мулоҳазалар*

# ОИЛА ВА МАҲАЛЛАНИНГ ИЛДИЗИ БИТТА

**Маънавиятнинг илдизи оилада томир ота бошласа, маҳаллада япроқ ёзади. Бошқачароқ айтганда, оиладан бошланган йўл маҳаллада туташади. Бу икки даргоҳнинг маънавиятдаги ўрни шундай чамбарчас боғланганки, уларни айри қўйиш мумкин эмас.**

Оилада илдиз отадиган маънавият аввало ота-онанинг юксак маданият эгаси эканлиги билан боғлиқ бўлишдан ташқари, боланинг қалбида Ватан туйғусини шакллантиришда шахсий ибрат муҳим ўрин тутади.

Шахсий ибрат – хушахлоқлик ва одамийлик фазилатларидан иборат. Шу билан бирга, болага нима гапираётганингиз ҳам катта аҳамиятга эга. Адашиб, террористик гуруҳларга қўшилиб қолган бир ўсмирнинг оиласи ҳақида маҳалла оқсоқоли шундай деган эди:

– Оила бошлиғи Ўсарали жуда ношукр одам. Болаларининг олдида нуқул замонни ёмонлаб ўтиради. Гапига қулоқ солсангиз, фақат қорин дарди. Пул кам, нарх баланд, бизга қийин... Шунақа гаплар.

Астойдил ишлашга хоҳиши йўқ, лекин нолишдан чарчамайдиган бундай одамларнинг болаларини тузоққа тушириш жуда осон. Қулоғида отасининг нолишлари, «янги дўст» эса жаннат ваъда қилаяпти. Қарабсизки, бола бузғунчиларнинг алдовига учган ва уларга эргашган. Мен шу Ўсаралига қараб айтаман-да: «Э ука, феълингни кенгроқ қилиб, дурустроқ меҳнат қилсанг, ризқинг ҳам мўл бўлади». У эса ўз билганидан қолмайди...

Ҳа, бола ўз номи билан бола. Ҳамма нарсани тўғрилигича қабул қилади. Чунки унда мулоҳаза қилиш қобилияти аста-секин ривожланади. Тафаккур даражасига етганда эса, отасининг гапини ўзига мослаб таҳлил қилади. Қаранг-а, тарбиянинг қандай нозик томонлари бор.

Оила тарбиясида улуғ аждодларимиз ҳаётини тез-тез тилга олиш, уларнинг дунё маданияти ва маърифати ривожидаги ўрни ҳақида тушунчалар бериш ҳам бола онгида шу юртга нисбатан ифтихор туйғуларини уйғотади.

– «Биз кимнинг авлодларимиз?» деган савол оилада ўзига хос баҳсга айланиши фарзандларимизнинг камолотига катта таъсир кўрсатади, – дейди кўпни кўрган, ибратли оила бошлиғи Мансур ҳожи. – Улар дунёни ўз аждодлари орқали таниса, шундай юртга, Ўзбекистонга нисбатан меҳру муҳаббатлари ошади, ўзбеклигидан фахрланади.

Биз болаларимиздаги фахрланиш туйғуларининг шаклланишига кўпам эътибор беравермаймиз. Гўёки бу ҳар кимнинг ўз иши, деб ўйлаймиз. Йўқ, фарзандда фахрланиш туйғусининг уйғонишига ҳам ота-онанинг тўғри тарбияси сабаб бўлади. Аввало фарзанд ота-онаси билан фахрланишни ўргансин. Сўнг маҳалласи, юрти, Ватани билан ғурурлансин. Зеро, ғурурланса арзийдиган юртда яшаймиз!

Бугунги кунда маҳалла ҳаётини шу ҳудудда жойлашган юзлаб хонадонларда рўй бераётган катта-кичик воқеаларсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки маҳалла ўша юзлаб оилаларга бош бўлиб турган Отага ўхшайди. Ота эса фарзандларининг ҳар бир хатти-ҳаракатидан бохабар бўлиш билан бирга, уларга ақл ўргатишни ҳам, тарбия беришни ҳам билиши керак. Шу маънода маҳалла бўлиб ўтган воқеаларни қайд этиб, унинг фақат муҳокамаси билан чегараланиб қолмай, ҳар қандай воқеадан олдин юриши керак. Бунда эса миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги асосий устун бўлиши шарт.

Қувонарлиси шундаки, Мустақиллик йилларида маҳалланинг фаолияти тубдан ўзгарди. У одамларнинг қувончига шерик, дардига малҳам бўладиган, бамаслаҳат иш юритадиган, оқни оққа, қорани қорага ажратадиган, шу юртга муносиб авлодни тарбиялайдиган ва, энг асосийси, ўзбекчилигимизнинг анъана ларию урф-одатларини авайлаб-асрайдиган қутлуғ остонага айланди.

– Шўро даврида партиянинг айтгани айтган, дегани деган, ҳеч ким маҳаллага қулоқ солмас эди, – дейди кекса маҳалла оқсоқолларидан бири Зиёвиддинхўжа Маҳмудов. – Эсимда, ҳаммани маҳалланинг ҳашарига чақирганимда мени партия йиғилишида муҳокама қилишган. «Сен одамларни қайси йўлдан бошлаяпсан?» деб савол беришганида эса довдираб қолганман...

Бундай гаплар бўлганлиги рост. Лекин энди вазият бутунлай бошқача. Маҳалла ўз ишини ўзи қўлга олди. Лекин масаланинг бошқа томони бор. Маҳалла билан оила ўртасидаги боғлиқлик бирон бир воқеа туфайли эмас, доимий бўлиши керак.

Маҳаллага камроқ аралашиб, бошига иш тушганда у ерга югуриб борган бир йигит менга шундай деди:

– Оиламиз бошига ташвиш тушмагунча, маҳалланинг биз билан, бизнинг улар билан ишимиз бўлмабди. Бориб, дардимни айтдим, қаранг, бамаслаҳатлик туфайли муаммомиз осон ҳал бўлди. Яхши одамлар кўп экан, ҳаммаси ёрдам қўлини чўзди.

Бу энди бир инсоннинг фикри. Бундай ҳолатлар эса ҳар қадамда учрайди. Оила билан маҳаллада бошланган барча хайрли ишлар ўз ижобатини топади. Чунки мақсад битта: шу Ватанда яшаётган ҳар бир инсоннинг юзи ёруғ бўлсин!

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

*Кузги шудгор*

**Ҳақиқий деҳқонга кузги шудгорнинг аҳамияти, фойдали жиҳатлари хусусида гапириб ўтириш ортиқча. «Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда» деган нақлни ота-боболаримиз шунчаки эмас, обдон бошидан ўтказиб, кўп йиллик тажрибаларга таяниб айтишган. Зотан, эртага яхши ният билан, юқори ҳосилни кўзлаб, ерга уруғ қадаган деҳқон бугун ҳаракатни пухта қилгани, мўл ҳосил учун бошиданоқ етарли замин ҳозирлагани маъқул.**



**СУРАТДА:** *Гулзоробод ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Раим Мамедов, механизатор Акром Назаров ҳамда касаба уюшмаси раиси Баҳром Мансуров шудгор сифатини кўздан кечиришмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ВАҚТИДА УДДАЛАГАН ЮТАДИ

Чинозлик заминдорлар якунланган мавсумда ҳам асосий тармоқлар — ғалла ва пахта етиштиришда ҳар жиҳатдан намуна бўлганликлари кўпчиликка маълум. Улар хирмонга 30 минг тоннадан ортиқ ғалла тўкдилар. Қабул пунктларига етказиб берилган «оқ олтин» эса қарийб 26 минг тоннага етди. Эътиборли жиҳати, бу муваффақиятларга тумандаги, беистисно, барча ширкат ва фермер хўжаликлари баракали улуш қўшдилар.

Бор ҳосилни барвақт саранжомлаб, омборларга жойлаб олишга одатланган чинозлик деҳқонлар айни пайтда асосий эътиборни кузги шудгорни ҳам шу қулай фурсатларда, сифатли якунлаб олишга қаратмоқдалар.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидан олинган маълумотларга кўра, шудгорланиши режалаштирилган жами майдон 7750 гектар бўлиб, айни қизғин жараёнга бошиданоқ амалий тайёргарлик, пухта ва қатъий режа асосида киришилди. Хусусан, 16 та ишчи отряд тузилиб, уларга аниқ майдонлар бириктирилди. Бу отрядлар таркибида ҳозир 40 дан ортиқ ҳайдов тракторлари ишлаб турибди. Уларнинг 35 таси занжирли «Олтой» ва «Т-75» тракторлари бўлиб, иш суръати ва унуми юқори бўлаяпти.

Бироқ, баъзи ширкат ва фермер хўжаликларида мавжуд техник имкониятлардан оқилона, юксак унумдорлик билан фойдалана олинмаётгани туфайли, шудгорлаш муддатлари бир мунча ортга сурилаяпти. Бир қатор ҳайдов техникалари мавсум бошидан сифатли, мукаммал таъмирланмагани оқибатида, уларнинг ишида тез-тез узилишлар кузатилаяпти. Масалан, «Чиноз» ширкат хўжалиги тасарруфидаги деярли янги бўлган «ВТ-150» занжирли трактори таъмирталаб ҳолга келгани, «Олмазор» фермерлар уюшмасига қарашли яна иккита трактор эндигина таъмирланаётгани боис, улар мавсумда иштирок этолмаяпти. Натижада, туманда бир кунда режадаги 220 гектар ўрнига, 190-200 гектар ер шудгор қилиняпти.

— Агротехника қоидаларига мувофиқ, ерлар кузда камида 35-40 сантиметр чуқурликда ҳайдалиши лозим, — дейди «Гулзоробод» ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Раим Мамедов. — Бу фақат механизаторларнинг тажриба ва маҳоратигагина боғлиқ эмас. Шудгор рисоладагидек бўлиши учун ширкат ва фермер хўжаликлари мутахассислари, пудратчилар дала бошида бўлиб, шудгор сифатини мунтазам кузатиб боришлари керак.

Ҳозир куз поёнлаб бораётган илиқ-иссиқ кунларни ғанимат билиб, бор куч ва имкониятлар шу масъулиятли юмушга қаратилса, белгиланганидек, кузги шудгорлаш мавсуми декабрь ойига қадар якунлаб олинса, келгуси йил ҳосили учун муҳим замин қўйилган бўларди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ХАЛҚАРО ФОРУМ ЯКУНЛАНДИ

**Пойтахтимизда "Болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимидаги ислоҳотлар" мавзуидаги халқаро форум ниҳоясига етди.**

Мазкур тадбир "Sen Yolg'iz Emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси кўмагида ўтказилди.

Форумда болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими бўйича юртимиз ва хориж тажрибаси, халқаро ва миллий қонунчилик тизими, ижтимоий муҳофазага муҳтож болалар таълим-тарбия муассасаларининг бугунги ҳолати ва истиқболи, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг суддан ташқари механизми каби мавзуларда маърузалар тингланди ва атрофлича муҳокама этилди.

Халқаро анжуман ёш авлодни ижтимоий муҳофаза қилишнинг миллий, хорижий ва халқаро миқёсдаги тажрибаси атрофлича кўриб чиқилгани, соҳага оид амалий чора-тадбирларнинг белгилаб олингани ҳамда мутахассисларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Форум якунида болаларни, айниқса, алоҳида эътиборга муҳтож болаларни ижтимоий ҳимоялашга оид миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, инклюзив таълимни янада ривожлантиришга, болаларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича тегишли ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш ва фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиришга оид масалалар бўйича тавсияларнинг йўналишлари белгилаб олинди.

Форум ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**


**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги**

**нуфузли бўш лавозимларга журналистика, ноширлик фаолияти, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда тегишли маълумот ҳамда иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларни таклиф қилади.**

Номзодлар таҳлил қилиш, турли материалларни умумлаштириш тажрибасига эга бўлишлари лозим. Ўзбек тилини мукаммал билиш шарт. Рус тили, шунингдек бошқа чет тилларини билишлик мақсадга мувофиқдир.

*Истовчилар Тошкент шаҳри Навоий кўчаси, 30-уй, 2-қават, 18-хонага шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 18.00 гача мурожаат қилишлари мумкин. Ўзлари билан керакли ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиб келишлари зарур.*

**Телефон: 144-32-57.**


# ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР ФЕСТИВАЛИ

**Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Янги авлод – 2006" болалар ижодиёти фестивалининг минтақавий босқичи якунланди.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан 2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур фестиваль юртимиздаги ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва ҳар томонлама рағбатлантиришдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Тадбирнинг энг фаол иштирокчилари "Янги авлод – 2006" болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичида иштирок этадилар.

**ЎзА.**

# ЮҚОРИ НАВ ПАХТА

## ҳам кўп, ҳам узун ва пишиқ тола беради

**Бу йил пахта йили бўлганлигини нафақат пахтакорларнинг ўзлари, балки бутун дала меҳнаткашлари, ҳатто, бошқа соҳалар вакиллари ҳам эътироф этдилар. Чунки, биринчидан, контрактация шартномалари ҳар йилгидан анча барвақт, яъни октябрь ойининг ўрталарида, иккинчидан эса, анча ортиғи билан бажарилди.**

Мавсумда эришилган ютуқнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, қабул пунктларига топширилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навли хом ашёдир. Демак, бу йил пахтачиликдан катта иқтисодий самара кўрилиши аниқ. Таъкидлаш жоизки, бу муваффақиятларда вилоятдаги барча қабул пунктлари ходимларининг катта ҳиссалари бор.

Жумладан, бу йилги мавсумда Оққўрғон пахта тозалаш заводи 23000 минг тоннадан зиёд пахта қабул қилиб олди. Ишчилар, айниқса, лаборатория ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажарганлари туфайли ана шу хом ашёнинг 95 фоизи юқори навли бўлиб, одатдагидан кўпроқ ва сифатлироқ тола беради.

— Юқори навли хом ашёдан нафақат уни етиштирганлар, балки қайта ишлаш корхоналари ҳам иқтисодий манфаатдор, — дейди завод товаршуноси Обид Маткаримов. — Биз бу йилги пахта ҳосили юзасидан тумандаги иккита ширкат, битта тажриба ва 280 та фермер хўжалиги билан шартнома тузган эдик. Уларнинг аксарияти қабул пунктларимизга саноат талабларига қарийб юз фоиз жавоб берадиган сифатли пахта топширишга эришдилар. Айниқса, шартнома мажбуриятларини 140-170 фоиз бажарган «Дилшод», «Эргаш Саиджаҳон», «Жўрақул Бурхон» фермер хўжаликлари топширган хом ашёдан кўп ва сифатли тола олиняпти.

Дарҳақиқат, шу кунларда корхонанинг 470 нафар ишчи-хизматчилари икки сменада ишлаб, 37-40 тонна сифатли тола тайёрламоқдалар. Уларнинг ойлик иш ҳақлари ўртача 100-110 минг сўмданга тўғри келаётир.





**СУРАТЛАРДА:** *тажрибали лаборант Дилфуза Нормуродова пахта намлигини ўлчамоқда; автокара ҳайдовчиси Фарҳод Сиддиқов тайёр маҳсулотни пешма-пеш омборга ташимоқда.*

**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.**

*01 огоҳлантиради*

# ҲАР КИМ ЎЗИ МАСЪУЛ

**Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш барча фуқароларнинг асосий бурчи ва вазифасидир. Шу боис мамлакатимизда аҳоли тураржойлари, турли хўжалик субъектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Хусусан, мана бир неча йилдирки, кузги-қишки мавсум даврида юртимиз бўйлаб «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш яхши анъанага айланган. Бу йил ҳам Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойишига асосан 10 ноябрдан 10 декабргача шундай ойлик ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад – ёнғинлар содир бўлиши ва улар келтирадиган фалокатларни камайтириш, барча объектларнинг ёнғинга қарши ҳолатини мувофиқлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни кучайтиришдир.

Одамлар турмушининг ҳеч бир жабҳасини оловсиз тасаввур этиб бўлмайди. Афсуски, у инсоннинг энг яқин ҳамроҳи, ёрдамчиси бўлиш билан бирга, жиддий талофатлар етказувчи душмани ҳамдир. Ҳамма замонларда ҳам одамлар «тилсиз ёв» дея таърифланадиган ўт балоси билан муросасиз курашиб келади.

Содир бўлиб турган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, у асосан аҳоли тураржойларида, хизмат объектларида шахсий лоқайдлик ва бепарволик оқибатида келиб чиқаётир. Натижада кўплаб кишилар уй-жойлари, мол-мулкларидан мосуво бўлмоқдалар. Энг ачинарлиси, аксарият ҳолларда инсонлар, айниқса, ёш болалар қурбон бўлаётганидир.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида республикамизда 11 минг 200 дан зиёд ёнғин қайд этилди. Оқибатда 701 киши турли тан жароҳати олиб, 148 нафари ҳаётдан кўз юмди. Бунинг асосий сабаблари аксарият ҳолларда газ ва электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш ёки уларни қаровсиз қолдириш, ёш болаларнинг ножўя хатти-ҳаракатларига бепарво қараш натижасидир.

Фикримиз далили учун ўтган ҳафта сўнгида Бўстонлиқ тумани, Қораманас қишлоғида яшовчи Т. Асилбоевнинг хонадонида келиб чиққан ёнғинни келтириш мумкин. Бунинг ҳам асл сабаби, хонадон эгаларининг бепарволигига бориб тақалаяпти. Натижада бир оила яшаётган уйнинг 90 квадрат метр ҳажмдаги том қисми ёниб, кул бўлган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шундай экан, ҳар бир инсон ўз уйи, йиллар мобайнида топган-тутган мол-мулкининг безиён сақланиши учун ҳамиша масъул эканини унутмаслиги жоиз. Акс ҳолда, «тилсиз ёв» унга ва хонадонига истаган пайтда «ҳужум» қилиши мумкин.

**Бахтиёр ПЎЛАТОВ, ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси муҳандиси.**

